

Turkiston

1925-yildan chiqa
boshlagan

«Kamolot» yosħlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 15-iyun, shanba
№ 45 (15683)

МУШТАРАК ОЛИЖАНОБ МАҚСАДЛАР — МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК АСОСИ

Аввал хабар қилинганидек,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислом Каримовнинг
таклифига биноан Қозогистон
Республикаси Президенти
Нурсултон Назарбоев 13 июнь
куни расмий ташриф билан
мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 14 июнь куни Кўксаройда бўлиб ўтди. Олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Қозогистон Республикаси Президенти шарафига фахрий коровул саф торти. Икки давлат раҳбарлари шоҳсупага кўтарилилар. Ўзбекистон ва Қозогистон давлат мадхиялари янгради. Президентлар фахрий коровул сафи олдидан ўтдилар.

Икки давлат раҳбарлари тор доирадаги музыкараларда Ўзбекистон-Қозогистон муносабатларини ривожлантиришининг муҳим масалаларини, минтақадаги ва халқаро майдондаги бугунги ҳолатни атрофлича муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозогистоннинг кўриб чиқилган икки ва кўп томонлама хусусиятга эга деярли барча масалалар бўйича позиция ва ёндашувлари ўхшаш ва яқин экани таъкидланди.

Томонлар мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги давлатлараро мулокотлар қарор топганини ҳамда давлатларимизнинг миллий манфаатларини ва бугунги давр талабларини хисобга олган ҳолда ҳамкорликни ҳар томонлама янада кенгайтириш ва чукурлаштириш борасидаги интилишлари муштарак эканини таъкидладилар.

Қатъий сиёсий ирода, яқин ҳамжиҳатлик, мустаҳкам шартномавий-хуқуқий база ҳамда конструктив ҳамкорлик борасида тўплланган катта тажриба натижасида бугун узок муддатга мўлжалланган кенг кўламли самарали ҳамкорлик учун барча зарур шароитлар ва асослар яратилган.

Ўзбекистонда Қозогистонга вақт синовидан ўтган ишончли қўшни сифатида қаралади. Қозогистон ҳам мамлакатимизга ана шундай нуқтаи назар билан қарайди.

Ўзбек ва қозоқ ҳалқарини кўп асрлик қардошлик ришталари, муштарак тарих ва тақдир, маънавий ва маданий қадриятлар, ўхшаш тил ва менталитет бирлаштириб туради. Таъкидланганидек, ҳалқларимизнинг умумий тарихий меросини, шунингдек, уларнинг бугуни ва келажагини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз ҳар доим ўзаро яқин бўлганимиз ва ҳамиша бир-биримизга суннамиз.

Ўзбекистон билан Қозогистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш нафакат ўзаро ҳамкорликнинг узок муддатли истиқболлари, айни вақтда бутун Марказий Осиё минтақаси барқарорлиги ва равнақини таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев минтақавий хавфсизлик масалаларини муҳокама қилар эканлар, Ўзбекистон ва Қозогистон Афғонистондаги вазият тезроқ изга тушишидан манфаатдор эканини таъкидладилар ҳамда давлатларимизнинг ушбу мамлакат иқтисодиётини тиклашга кўшаётган хиссасини ижобий баҳоладилар.

(Давоми 3-бетда)



Сардор Муллажонов фотоколажи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИННИГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз шу йил 1 сентябрь куни Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик тўйини катта тантана, шоду хуррамлик билан қенг нишонлади.

Биз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрамини марказда ва жойларда ҳар томонлама чуқур тайёргарлик билан кутиб олиш мамлакатимизда эзгу анъанага айланиб қолган.

Ҳақиқатан ҳам, умумиллий байрамимиз бўлган бу кутлуғ сана ҳақида сўз борар экан, ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни холисона сарҳи-

соб қилиб, бугунги ютуқ ва мэрраларга аввало қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига эришганимизни яна ва яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказишмиз табиийдир.

Мустақиллик байрамининг йигирма икки йиллигини юксак савијада, муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Республика ва ҳудудий комиссиялар Мустақиллик байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон

Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда уюшқоқлик билан, кўтарилик руҳда ўтказишга қаратилган, «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган широрни асосий фоя сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

— мустақиллик — бу аввало ҳуқуқ эканини, фарқат мустақиллик орқали-

гина шахс ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва фурурини англаши, истиқтол юртимизда яшаеттган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканини кенг очиб бериш;

— ҳалқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати, истиқтол фояларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонганини чуқур таҳлиллар орқали кўрсатиш;

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИННИГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми, боши 1-бетда)

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли — ўзбек моделининг мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танланганини, ўтган йиллар давомида бу йўл юртилизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятимиз ҳәётида синовдан ўтиб, амалда ҳар томонлама ўзини оклагани ва бугунги кунда амалий натижасини бераётганини ахоли ўртасида ўтказиладиган ташвиқот-тарбибот ишлари, жонли сұхбат ва мулокотларнинг асосий йўналиши деб қабул қилиш;

Мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб белгилаб олинган «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» деган, одамларимиз қалбидаги эзгу орзунилишларни яққол ифода этган олижаноб даъват ҳалқимизни ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти курити йўлида сафарбар этгани, юртдошларимизнинг юрагига чукур кириб боргани истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳәётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратиш;

мустақилликка эришиш арафасида ва истиқлонинг дастлабки йилларида, мамлакатимиз кескин ижтимоий муаммолар гирдобида қолиб кетган таҳликали бир пайтда мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгаририш мақсадида амалга оширилган ислоҳотлар мояхиятини теран акс эттириш. Жумладан, фоир оғир айни ўша шароитда аҳолига кўшимча томорқа ерлари ажратиш ҳақидаги фармон ва қарорлар қабул қилингани, шу асосда Узбекистон бўйича 2,5 миллион оиласа хаммаси бўлиб 700 минг гектар суғориладиган ер томорқа сифатида хусусий мулк қилиб берилгани қишлоқларимизда ижтимоий муаммоларни ечиш, айтиш мумкини, жар ёқасида турган юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб колишида улкан тарихий қадам бўлганини чукур очиб бериш. Ана шундай ўзгаришлар туфайли одамлар дунёда адолат ва ҳақиқат борлигига, мустақиллик ҳар қайси оила, бутун ҳалқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган бебаҳо неъмат эканига чин дилдан ишонч ҳосил қилгани ва шу каби бошқа мисолларда мустақиллик деган буюк тарихий ходисанинг қадр-киммати ва аҳамияти ҳақида фикр юритиш;

мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Узбекистоннинг фалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодийтимизнинг етакчи соҳаларини модернизация қилиш, илғор техника ва технологиялар билан куроллантириш, энг замонавий корхоналарни барпо этиш, кинчик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини бугунги талаблар асосида ривожлантириш мақсадида амалга оширилган том маънодаги улкан ишларнинг мазмун-мояхиятини кенг таҳлил қилиш; истиқлол йилларида бой та-

рихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўхна урфодат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, истиқлол даври Ватанимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлганини ифода этиш;

юртимизда мустақил давлат барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт даражасига эришиш, Ўзбекистонимизни дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кўтаришдек улуғ мақсадларни ўз олдимизга кўйиб, бу марралнинг нақадар буюк ва мастьулиятли эканини ўзимизга чукур тасавур қилган ҳолда, ана шундай юксак уфқлар сари дарадил бораётганимизнинг энг асосий омил ва мезонларини кенг ёртиш. Бунда, аввало, ўз қадр-кимматини чукур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган, бетакор миллӣ қадриятларимиз, бебаҳо маданий меросимизнинг муносиб ворислари бўлиш билан бирга, дунё илму фани ютуқларини пухта ўзлаштириб, замон билан ҳамоҳанг бўлиб яшашга, манаман деган давлатлардаги тенгдошлари билан бемалол беллашувга тайёр бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи истиқлол йилларида Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтаришларини акс эттириш. Қандай оғир бўлмасин, ана шу буюк мақсадни амалга ошириш учун барча куч-кудратимиз ва имкониятларимизни сафарбар этганимиз, шу йўлда аҳамиятини баҳолашнинг ўзи қийин бўлган ишларимизнинг амалий натижаларини кўрсатиш. Бугунги кунда бу ютуқлар ҳәётимизда, мамлакатимиз тараққиётida, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган барқарор ўсиш суръатларида яққол намоён бўлаётгани, камол топаётган фарзандларимиз ҳәётимизнинг асосий, ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқаётганини таъсирчан мисолларда ифода этиш.

Юқорида зикр этилган фикрларни бундан ўн олти йил аввал қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимими ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ва бошқа муҳим ижтимоий дастурлар таҳлили орқали мамлакатимиз ва дунё жамоатчилигига етказиш; давлатимиз томонидан мустақилликнинг ilk кунларидан бошлаб аҳоли, биринчи навбатда ёшларимизнинг жисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан етук авлод бўлиб улгайшига бериладиган юксак эътиборнинг яққол тасдиғи сифатида мамлакатимизда давлат бюджети ҳаражатлар қисмини 60 фоизга яқини таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳалари ривожига йўналтирилаётгани дунё тажрибасида камдан-кам учрашини, Ўзбекистон айни шу соҳаларда жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб бораётгани нуғузли ҳалқаро эксперт ва таҳлил марказлари томонидан эътироф этилаётганига алоҳида аҳамият қаратиш;

истиқлонинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоиздан зиёдини ташкил этадиган хо-

ти-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, аёл зотини эъзозлаш, уларнинг хуққува манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳәётидаги нуғузини ошириш, истеъодод ва қобилиятини рӯёбга чиқариш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган қарор ва дастурларнинг амалий натижаларини кўрсатиб бериш. Шулар қаторида оила, оналик ва болаликни химоя қилиш, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олиши учун амалга оширилган кенг кўламли ишларимизнинг моҳияти ва аҳамияти, бу борадаги сиёсатнинг бугунги кунда изчил давом эттирилаётганини тарбибот-ташвиқот ишларининг бош мавзуси сифатида белгилаш;

мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, аҳолимизнинг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича маҳсус давлат дастурлари жорий этилаётгани, қишлоқ жойларда на-мунавий лойиҳалар асосида шаҳар шароитидан кам бўлмаган замонавий ўй-жой массивлари комплекс барпо этилаётганини ҳалқимиз ҳаётини янада фаровон қилишга қаратилган ишларининг амалий на-мөни сифатида қабул қилиш; эришган барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган ҳалқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, ишга, ҳаётга муносабати бутунлай ўзариб, даҳлорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончи мустаҳкамланубори бораётгани, мухтасар айтганда, мустақил тараққиёт йўлида қандай юксак марралрга эришган бўлсақ, уларнинг барчасининг негизида авваламбор одамларимизнинг ўсиб бораётган сиёсий, хуқуқий, маданий савияси ва ижтимоий фаоллиги мужассам эканини акс эттириш;

ҳозирги кунда бизнинг қандай шиддатли ва нотинч замонда яшаётганимизни инобатга олган ҳолда, тинч ва осойишта ҳаёт учун курашиш, керак бўлса, фидойилик кўрсатиб, доимо огоҳ, сезгир ва маънавий ўйғоқ бўлиб яшаш, энг катта бойлигимиз бўлмиш юртимиздаги миллатлар ва фуқаролараро аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик мухитини кўз қорачиғидек асраш ва мустаҳкамлаш ўйлида олиб борилаётган ишларининг маъно-мазмунини очиб бериш;

айни мана шундай ўта мураккаб ва таҳликали бир шароитда дунёнинг турли мина-қалари, яқин ва узоқ ҳудудларида, ён-атрофимизда қарама-каршилик учоклари кучайиб, бир сўз билан айтганда, хавфхатар тобора ўсиб бораётган бир вазиятда Ўзбекистоннинг ҳалқаро майдонда олиб бораётган ташки сиёсатини, унинг мамлакатимизнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган стратегик устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлиши табиийдир. Шу мақсадда 2012 йил сентябрь ойи-

да қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ташки сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонунда белгилаб берилган асосий принциплар, яъни:

Ўзбекистоннинг турли ҳарбий сиёсий блоклардан узок бўлиши ҳақида;

ўзининг суверенитети ва худудий яхлитлигини химоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ва ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги ҳақида;

очик, изчил ва фаол ташки сиёсат олиб бориши ҳақида аниқ-равshan баён этганини кенг оммага етказиш;

Ўзбекистон Қуроли Кучларининг мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва худудий яхлитлигини сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни химоя қилишнинг мустаҳкам таянчи бўлиб келаётганини, ҳарбий хизматнинг ёшларимиз учун ҳақиқий мардлик, чиникиш ва тобланиш мактабига айлангани, ҳалқ ва армия — бир тану бир жон эканини ҳаётий мисолларда кенг тарбиб этиш;

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишилаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида жонли мулоқот ва сұхбатлар, учрашувлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таникли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарбибот гурухлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансан.

4. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоқимларига Хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан биргаликда:

Мустақиллик байрамининг йигирма иккى йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда худудий комиссиялар тузиш, республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш;

байрам муносабати билан ҳалқимизга хос бўлган урфодат ва анъаналарга муносиб равишида шаҳар ва қишлоқлар, маҳалла ва гузарлар, кўп қаватли уйлар атрофида ободонлаштириш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилсан.

Мазкур режа ва дастурлардан ўрин олган тадбирларни расмиятчилик ва баландпарвозлик ҳолатларига йўл қўймасдан, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда, одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган ҳалқичил ва таъсирчан руҳда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсан.

5. Республика комиссияси ўз ийилишларida дастурда белгиланган чора-тадбирлар марказ-

да ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир худуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишида эшишиб борсин.

6. Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёrlар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъододли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гурухлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар ўюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлонини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқлар, мусиқа асарлари учун «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика танловининг якуний босқичини ўтказсан. Танлов галиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсан.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Журналистлари ижодий ўюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишилган «Энг улуф, энг азиз» анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсан.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси билан биргаликда ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ниҳол» мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда галиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юкори даражада ташкил этилсан.

10. Белгилаб қўйилсанки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятларда Қорақалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқарилар, жумғармалар хисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари хисобидан тенг улушларда қопланади.

11. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма иккى йиллик байрамига т

МУШТАРАК ОЛИЖАНОБ МАҚСАДЛАР – МУСТАҲКАМ ДЎСТИК АСОСИ

(Давоми,
боши 1-бетда)

Томонлар мінтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасидагы алоқаларни янада фооллаштириш ва ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ҳамкорликни изчил ривожлантириш барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат килиди ҳамда мінтақавий ва халқаро даражада тараққиётнинг янги йўналишлари учун замин яратади. Шу маънода Ўзбекистон ва Қозогистон бундан бўён ҳам БМТ, МДХ, ШХТ каби кўп томонлама тузилмалар доирасида бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлашга тайёр.

Учрашув чоғида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик доирасидаги муносабатларга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларга халқларимизнинг туб манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда биргалиқда ҳар икки томон учун мақбул ечим топиш мақсадида олий даражадаги Ўзбекистон-Қозогистон мулкотини давом эттиришга келишиб олинди.

Президентлар терроризм, наркотрафик, диний экстремизм, сепаратизм, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни чукурлаштириш муҳим эканлигини таъкидладилар.

Томонлар Ўрта Осиёда сувдан адолатли фойдаланиш тизими масалаларида ягона позицияни тасдиқладилар. Мазкур позиция мінтақадаги барча сув-энергетика муммоларини фақат халқаро хуқуқнинг умуммәтироф этилган нормалари ва мінтақадаги барча мамлакатларнинг манфаатларини албатта ҳисобга олган ҳолда ҳалқилиш зарурлигига асосланади. Дарёларнинг юқори қисмида қурилиши режалаштирилаётган ҳар қандай гидротехник иншоотлар БМТ шафелигидаги халқаро мустақил экспертиздан ўтказилиши шарт ҳамда Амударё ва Сирдарёнинг қуий қисмида жойлашган мамлакатлар билан ўзаро келишиб олиниши лозим.

Президентлар музокарани икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттиридилар.

Кенгайтирган таркибдаги музокараларда асосий эътибор сувдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик масалалари, маданий-гуманитар соҳадаги муносабатларга қаралтиди.

Қозогистон Ўзбекистоннинг сувдо-иқтисодий соҳадаги муҳим шерикларидан бири бўлиб, ўзаро сувдо изчил ва барқарор ўсиб бормоқда. 2012 йил якунларига кўра, мамлакатларимиз ўтасида товар айирбошлаш ҳажми 9,6

фоиз ошди ва 2 миллиард 752 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. 2013 йилнинг январь-апрель ойларида эса ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,7 фоиз ўди ва 920,4 миллион долларга етди.

Транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро муносабатларнинг устувор йўналишларидир. Бу борада юкларни транзит қилиш ва етказиб беришни ташкил этишда тариф ва нотариф преференциялар бериш ҳамкорликнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади. 2012 йил якунларига кўра, Ўзбекистоннинг Қозогистон ҳудуди орқали транзит қилинган юклари ҳажми 1474,6 минг тоннани, Қозогистоннинг Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит қилинган юклари ҳажми 3142,9 минг тоннани ташкил қилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида Қозогистон капитали иштирокида тузиленган 177 корхона, шу жумладан 149 ҳўшма корхона ва 28 тўлиқ чет эл капитали иштирокидаги корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига Қозогистон ҳудудида Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирокида ташкил этилган 125 корхона рўйхатта олинган. Вазирлик томонидан Қозогистоннинг қатор йирик фирма ва компанияларининг ваколатхоналари аккредитация қилинган.

Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг бугунги динамикасини сақлаб қолиш ва уни янада кўпайтириш мамлакатларимиз манфаатларига хизмат қилди. Музокараларда таъкидланганидек, мувозанатлашган тизим асосида ҳамда икки мамлакат миллий ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг ўзаро эҳтиёж мавжуд бўлган товар гурӯхларини синчковлик билан аниқлаш орқали ўзаро сувдо номенклатурасини кенгайтириш мумкин. Мисол учун, Ўзбекистондан Қозогистонга енгил ва юқ автомобиллари, автобуслар, қишлоқ хўжалик техникаси, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, электротехника ва енгил саноат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, ойна, полиэтилен ва Қозогистон бозорида талаб бўлган бошқа товарларни экспорт қилиш бўйича ишга солинмаган катта захиралар мавжуд. Ўз навбатида, Ўзбекистон Қозогистондан мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган, миллий иқтисодиётимиз эҳтиёжлари учун зарур бўлган, жумладан, металлпрокат, темир қотишмаси, ёғоч ва тахта каби маҳсулотларни импорт қилиши мумкин.

Томонлар икки томонлама ҳамкорлик бўйича хукуматлар

аро қўшма комиссия фаолиятини янада тақомиллаштиришдан манфаатдор. Бу узоқ муддатли кооперация тамоилилари асосида ўзаро манфаатли сармоявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, транспорт, транспорт коммуникациялари ва транзит соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, «Туркманистон-Ўзбекистон-Қозогистон-Хитой» газ кувури орқали табиий газни транспортировка килиш бўйича ҳамкорликни фаоллаштириш имконини беради.

Президентлар маънавий яқинлик ва кўп асрлик анъана-вий муносабатларга асосланган маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини ҳам муҳокама этдилар.

Икки мамлакат илмий ва таълим муассасалари ўтасида ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви, ўқув-методик материаллар алмашиш борасида тўғридан-тўғри алоқалар йўлга кўйилган. Хусусан, 2006 йилда Хоразм Маъмун академияси билан Қозогистон Республикаси Таълим ва фан вазирлигининг Р. Сулаймонов номидаги Шарқшунослик институти ўтасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоладилар. Шунингдек, икки мамлакат ички ишлар вазирликлари ва божхона хизматлари ҳамкорлигига доир ҳужжатлар имзоланди.

Мамлакатларимиз маданият ва санъат соҳасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мисол учун, ўзбекистонлик халқ усталари Олмата шаҳрида ўтказиладиган Марказий Осиё хунармандлари кўргазма-ярмаркасида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Остона, Олмата ва бошқа шаҳарлардаги бадиий галереялар ва музейларда машҳур ўзбек рассомларининг кўргазмалари намойиш қилинмоқда.

Ўзбекистон мусиқа ва театр жамоаларининг Қозогистонга гастроллари ташкил этилмоқда. Ўзбекистон кинематографчилари ўз фильмлари билан Қозогистонда ўтказилаётган кинофестивалларда иштирок этмоқда.

Қозогистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг ҳамда мамлакатимизда ташкил қилинадиган бошқа кўплаб йирик маданий тадбирларнинг доимий ва фаол қатнашчиларидир.

Ўзбекистонда юздан ортиқ қозоқ миллий-фольклор ва эстрада ансамблари фаолият кўрсатаётir. Жумладан, Тошкент вилоятининг Чирчик шаҳрида «Дўмбира» қозоқ ансамбли, Бўstonliq туманида «Дорин» ансамбли мавжуд. Тошкент вилоятида фольклорашула, Хоразм вилоятида ашула ва рақс ансамбллари ташкил этилган.

Музокараларда маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Томонлар мусикии ва драма театrla-

ри, бадиий ва ижодий жамоалар ҳамда яккахон ижроҷиларнинг ўзаро гастролларини, спорт ва жисмоний тарбия соҳасида тажриба ва мутахасислар алмашини, миллий спорт турларини ривожлантириш, икки давлат ташкил қиласидан ҳалқаро турнирларда спортчиларнинг иштирок этишини таъминлаш ишларини, маданият, фан ва санъат соҳасидаги таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари алмашинувини фаол давом эттиришга келишиб олдилар.

Музокаралар якунлари бўйича Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикаси билан Қозогистон Республикаси ўтасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шунингдек, икки мамлакат ички ишлар вазирликлари ва божхона хизматлари ҳамкорлигига доир ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Қозогистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ўтасида маданият соҳасида 2013-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури қабул қилинди.

Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномада сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, сув-энергетика, экология, маданий-гуманитар, ҳарбий-сиёсий ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий принциплари ва устувор йўналишлари мустаҳкамланган. Шунингдек, Марказий Осиёда сувдан адолатли фойдаланиш тизимини ривожлантириш борасидаги ўзаро келишилган ягона позиция тасдиқланган.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мазкур ташриф ўзбек ва қозоқ халқларининг кўп асрлик тарихий, маданий ва маънавий яқинлигиги, мамлакатларимизнинг юксак даражадаги ўзаро ишончи ва хурмат-эҳтиромини яна бир бор тасдиқлаганини ҳамда икки давлат ўтасида маданий-маданий тадбирлар ўтказиш, аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш борасида жаҳон андозаларига тўла мос келади. Бу муаззам бино атрофидаги ландшафт дизайнни унга алоҳида кўрк баҳш этиб туриди.

Қозогистон Республикаси нинг мамлакатимиздаги элчи-хонасининг янги биноси ва

масканга янги қиёфа баҳш этиб, пойтактимиз ҳуснага-хусн кўшди. Тошкент шаҳри яна бир ноёб меъморий иншот билан бойиди.

Абай Кўнонбоев ҳайкали ўзбек ва қозоқ халқлари муштарак қадриятларининг яна бир ёрқин тимсолига айланди. Ўзбекистонда ўз даврида ҳаётда инсоннинг муқаддас бурчларидан бири — бу чин дўст ортиришdir, деб ёзган мутафаккиринг буюк мероси кириб бормаган хонадонни топиш мушкул.

Ўзбекистон билан Қозогистон ҳамкорлигининг ривожланниш суръатларини кузатар эканмиз, мамлакатларимиз ўтасида қарор топган самимий дўстлик маданий-гуманитар мисолида буюк Абайнинг мазкур даъвати ижобатининг ифодасини яқол кўришимиз мумкин.

Ҳамиша эзгу ва олижаноб мақсадлар сари интилиб яшайдиган халқларни Яратганинг ўзи қўллаб, орзу ва умидлари ижобат бўлишида мададкор бўлади. Бунга азим пойтактимизда ўзбек ва қозоқ халқлари азалий дўстлигининг гўзал тимсоли сифатида қад ростлаган Қозогистон элчихонасининг янги биноси ва Абай ҳайкали очилишига бағишиланган маросим чоғида кут-барака ва фаровонлик рамзи — ёмғир ёққани ҳам бир ишорадир.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев давлатимиз раҳбари ташабуси билан Тошкент шаҳрида бунёд этилган «Маърифат маркази»га ташриф буордилар. Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жой олган ушбу замонавий муҳташам бино йирик халқаро анжуманлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш борасида жаҳон андозаларига тўла мос келади. Бу муаззам бино атрофидаги ландшафт дизайнни унга алоҳида кўрк баҳш этиб туриди. Қозогистон Президенти мажмуанинг миллий меъморлик анъаналари ва замонавий архитектура усувларини ўзида мужассам этган меъморий ечими ва дизайнiga юксак баҳо берди.

Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга расмий ташрифи ана шундай кўтаринки руҳда ниҳоясига етди. Ушбу ташриф самимий дўстлик ва узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро манфаатли муносабатлар ривожидаги муҳим тарихий воеа бўлди. Ўзбекистон билан Қозогистон ўтасида давлатлараро мулкот ҳар доим фаол бўлган ва мунтазамлик касб этган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

**Анвар БОБОЕВ,
Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎЗА мұхбирлари**

Ёзда янги дастур ёз

Республикамида ёшлар ўртасида миллий дастурий таъминотларни яратиш бўйича танлов эълон қилинди



«Ақдли» гажетлар учун турфа иловалар, компьютер ёки мобиль телефонларга мўлжалланган ўйинлар. Бу каби дастурий маҳсулотларга бутун дунёда талаб катта. Улардан фойдаланиш осон, кулай ва мароқли. Бироқ яратиш анча мураккаб иш.

Ҳарқалай юртимизда бунга ҳаракат қилингани. Ўзимизда ишлаб чиқилган дастурий таъминотлар ҳозирча кўп эмас, аммо ҳаммаси ҳали олдинда. Олдинда бизни республикамида илк маротаба эълон қилинган миллий дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш бўйича янги танлов ҳам кутиб туриди.

Танловга шу йилнинг 13 июнь куни старт берилди. Унда талаба-ёшлар ҳамда академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўкувчилари иштирок этишлари мумкин.

Лойиҳа Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан Тошкент ахборот технологиялари

университети, «Ўзбектехлеком» ҳамда «Самсунг Электроникс» компаниялари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Танловнинг шаффофлиги ҳамда одилона ўтишини таъминлаш мақсадида интернет тармоғида www.software.uz сайти ишга туширилди. Иштирокчилар дастлаб шу сайтда рўйхатдан ўтишлари керак.

Этиборлиси, танловда ҳам якка тартибда, ҳам гурухлар (кўпи билан тўрт киши) томонидан ишлаб чиқилган дастурий таъминотлар қатнашиши мумкин.

Тақдим этилган ишлар учта: компьютер иловалари бўйича энг яхши ишланма; смартфон ва смарт телевизорлар учун энг яхши илова ишланмаси; миллий компьютер ёки мобиль ўйинларнинг энг яхши ишланмаси номинацияларида кўриб чиқлади. Охири номинация доирасида миллий компьютер ўйинлари учун энг яхши сценарий ва концепция ишланмаларини ҳам аниқлаш кўзда тутилган. Бу эса, ижодкор ёшларга ўзларини синаб кўриш учун яхши имкониятдир.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси ўринбосари Шерзод Шерматовнинг сўзларига кўра, маҳаллий ахборот технологиялари бозорини миллий дастурий маҳсулотлар билан таъминлашда мамлакатимизда IT соҳасида тайёрланаётган ёш кадрлар

салоҳиятидан фойдаланиш айни мудда. Янги танлов ана шу мақсадга хизмат қиласи. Қолаверса, танлов орқали ўзларини намоён этган ёшлар дастурий таъминотлар соҳасида фаолият олиб бораётган иирик компаниялар эътиборига тушиши эҳтимолдан холи эмас. Бу уларнинг келгусида профессионал иш ўрнига эга бўлишларига ҳам ёрдам беради.

Шу йил 15 сентябрга қадар давом этадиган танловнинг саралаш босқичида ҳар бир номинация бўйича юздан ишланма танлаб олинади. Дастурий маҳсулотларни баҳолашда ишнинг долзарблиги, креативлиги, замонавий АКТ фойдаланувчилари эҳтиёжларига жавоб бериши бош мезонлар қилиб белгиланган. Кеинги, финал саралаш босқичида соҳа мутахассислари, шунингдек, «Самсунг Электроникс»

компаниясининг кореялек вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари саккиз нафардан номзодни саралаб олишади. Финалга чиқкан номзодлар ўз ишланмаларини ҳакамлар олдида ҳимоя қилишлари керак. Голиблар ўн миллион сўмгача пул мукофоти билан тақдирланади.

Танловнинг барча жарайёнларини интернетдаги www.software.uz сайтида он-лайн тарзида кузатиб бориш ҳам мумкин.

Ёзги таътил бошланди. Ўйлаймизки, кўплаб тенгдошларимиз бўш вақтларидан унумли фойдаланган ҳолда, миллий дастурий таъминотлар танловида иштирок этишдек қулай имкониятни қўлдан бой беришмайди. Демак, янгиликлар қилишга шошилинг, тенгдошлар!

**Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири**

Giyohvandlik — illat

ХУМОР УЛСИН, ХУМОР!..

Кўнгил талпинадиган гўша



Қалбida инсонийлик ва яхшилик туйуси бўлган ҳар бир дмёнатли инсон фарзандига яхши тарбия беришга ҳаракат қиласи, уни қингир йўллардан, ёт таъсиirlардан асрash ва қайтариш пайдада бўлади. Айниқса, бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган гиёхвандлик балосига қарши курашиб инсоният олдидаги долзарб масала бўлиб турган бир пайтда тўғри тарбиянинг аҳамияти ўтчовсиз.

Маълумотларга қараганда, Европа ва Осиё мамлакатларида 14 миллионга яқин гиёхванд ҳисобга олинган, ачинарлиси — уларнинг асосий қисми ёшлардир.

Гиёхванд кимса хумори тутганда, ҳеч нарсадан қайтмайди. Унинг учун оила, ота-она, яқин инсон деган тушунчанинг ўзи йўқ. Агар оғу топиш йўлида кимнингдир молига ёки жонига жабр қасд қилиш лозим бўлса, гиёхванд ҳеч иккilanмай, жиноята кўл уради. Ўрилик, босқинчилик, қотилликнинг асл илдизларидан бири ҳам айнан гиёхвандлик экани ўз тасдигини топган.

Афсуски, гиёхвандлик балоси бизнинг юртимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Қўшни Афғонистон ва Тожикистон орқали турли қингир йўллар билан олиб кирилаётган гиёхванд моддаларга қарши курашда бепарволикка йўл қўйиб бўлмайди. Чунки гиёхвандлик ботқигига ўз яқинларимиз, фарзандларимиз ботиб қолишлари мумкин.

Шу йилнинг май ойида Наманган вилоятининг Янгиқўргон туманинда ўтказилган «Қорадори — 2013» тадбири вақтида Зарбдор ҚФИ «Салмон»

МФИда яшовчи, 1972 йилда туғилган, беш нафар фарзанди бор фуқаро кўлга олинди. «Назоратли харид» тадбири давомида ушбу шахс ноқонуни рашида кўшини Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти Олабуқа тумани Сафедбулон қишлоғига ўтиб, у ерда яшовчи Рашид исмли танишидан гиёхванд модда олиб келиб, Янгиқўргон шаҳарчаси марказида тадбир иштирокчисига 260000 сўмга сотаётган вактда ушланди. Унинг ёнида қоғозга ўралган ўтқир ҳидли модда борлиги аниқланиб, текшириш учун туман ИИБга келтирилди.

Худди шу тадбир доирасида Поромон ҚФИ «Оқтепа» МФИда яшовчи, 1974 йилда туғилган, муқаддам судлган фуқаро хонадони кўздан кечирилганда, яшаш уйининг меҳробидан ўтқир ҳидли, яшил рангли модда топилди. Ушбу модда текшириш учун ИИБга келтирилди.

Ҳар бир миллат ўз давомчиларининг етук ва соғлом бўлишини истайди. Отабоболаримиз ҳам соғлом турмуш кечиришган, ҳалол яшашган. Наслимизнинг тоза бўлиши учун доимо қайғурғанлар. Аммо айрим шахслар учун миллат саломатлиги, келажак авлод камолоти оддий гаплар, холос. Улар ўз нафслари, ўз фойдалари учун ҳар қандай қабиҳликка тайёр туришади. Бундайларга қарши кураш аёвсиз кечади, биз ёшларимиз камолоти, баҳт-саодати йўлида барчамиз яқдил бўлмоғимиз лозим. Ота-оналар, устозлар ва кенг жамоатчилик бир ёқадан бош чиқариб, кенгашиб иш юритайлик. Шундагина гиёхвандлик атальмиш иллатнинг илдизига чинакамига болта урамиз.

**Абдураҳим ЭШНОНОВ,
Наманган вилояти Янгиқўргон
тумани ИИБ ҲООБ бошлиғи.
Дилбар АСКАРОВА,
«Turkiston» мухбири.**

Халқимида оила азалдан муқаддас даргоҳ саналган. Жамиятнинг бир бўлғи ҳисобланган бу мўъжаз гўшада миллатимизнинг ўзига хос қадриятлари яшайди, келгуси авлодларга етказилди. Шу маънода истиқол йилларида қадриятлар бешиги ҳисобланган оиласа эътибор кучайди. Натижада, оиласарнинг мустаҳкамлигига ҳукуматимиз томонидан катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилётганини юртимизда амалга оширилаётган хайрли ишлар мисолида қўришимиз мумкин.

Ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар давлатимиз қарамоғига олинади, уларга етарили маший ва турмуш шароитлари мухайё қилинади. Ўтган йилнинг мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили», жорий йилнинг эса, «Обод турмуш йили» деб эълон қилинганида катта мазмун мужассам. Оиласарнинг фаровонлиги — юрт фаровонлиги эканлиги бу икки номни янада ўйғунлаштириди. Оила институти юртимизда муқаддас қадриятлар бешиги, тарбия бўстони сифатида қадр топди.

Оиласа қарор топган соғлом маънавий мұхит фарзандларнинг етук, баркамол инсонлар бўлиб вояга етишларида асосий мезон ҳисобланади. Шунинг учун шахснинг хулқ-атворини тарбиялаш орқали жамият учун мустаҳкам пойдевор яратилади. Ватан, халқ, жамият манбаатлари учун жонкуярлик фазилатларини шакллантиришда оиласа берилган дастлабки тушунчалар педагогик жараённинг бир қисми ҳисобланади. Келажак эгалари камол топаётган, улғаяётган бу маскан умримиз гулшани, тарбия бўстонидир. Фарзандларининг ҳар томонлама илфор инсонлар бўлиб етишиши, ҳар қандай ташки таъсиirlарга бардошли бўлиши ота-оналарнинг қанчалик билимли, маданиятли эканидан далолат беради. Эртаси буюк, келажаги порлоқ юртимизда оиласар обод экан, фарзандлар иқбали ишончли қўллардадир.

**Гулбахор ЖЎРАЕВА,
Тошкент ирригация ва мелиорация институти талабаси**

ЭНГ УЛУФ НЕЬМАТ

Бугун ер юзининг турли минтақала-рида содир бўлаётган нохуш ҳодиса-ларни таҳлил қилиб, уларнинг барча-сига бош сабабчи инсон эканини англаш қийин эмас.

Ўзбекистон истиқоллнинг биринчи куниданоқ жаҳон хамжамияти билан алоқаларда тинчликпарварлик сиёсатини юритиб келмоқда. Президентимиз раҳнамолигида юртимида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида юритилаётган оқилона сиёсат тараққиётимизнинг мустаҳкам асосига айланди.

Одамлар онгидаги тинчликни саклаш, уни ҳимоя қилиш-фоясини қарор топтириш мақсадида БМТ ва унинг ихтисослашган кенгашлари ушбу ма-салага эътибор қаратган. Айниқса, ЮНЕСКО ташкилоти бу борада муҳим ишларни амалга ошироқда.

Тинчлик маданияти фояси биринчи марта 1989 йил Ямасуркода бўлиб ўтган «Тинчлик — одамлар онгидаги» мавзуудаги ҳалқаро конгрессда илгари сурилган эди. Ушбу фоя ЮНЕСКО низомида ўз ифодасини топган. ЮНЕСКО томонидан тинчлик маданияти дастури қабул қилинган. Унда XX аср охирида асосий эътибор уруш маданиятидан тинчлик маданиятига ўтиш масаласига қаратилди.

2000 йил БМТ томонидан «Ҳалқаро тинчлик маданияти иили» деб ёзлон қилинган. Тинчлик маданияти билан давлатларнинг ЮНЕСКО фаолиятига боғлиқ декларациясини кўриб чиқиш учун ЮНЕСКО ижроя кенгаши 155-сессиясининг якуний мажлиси 1998 йил 6 ноябрда Тошкент шахрида бўлиб ўтган эди.

Давлатимиз раҳбари ушбу мажлисда сўзлаган нутқида шундай фикрни айтган эди: «Менинг назаримда, тинчлик маданияти фояси XXI асрдаги умуминсоний тараққиёт фалсафасининг манбаси бўлиб хизмат қиласи... Бу фоя бугун ҳам дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш йўлида ҳалкларни бирдамлик ва ҳамкорликка даъват этиши лозим».

ЮНЕСКО декларациясининг Тошкентда қабул қилинини ўзбекистон учун оламшумул аҳамиятга эга воқеа бўлди. Бу мамлакатимизнинг тинчликсеварлиги ва тинчлик йўлида олиб бораётган ишларнинг юқори эътирофи ҳисобланади.

Декларацияда «тинчлик маданияти» тушунчасига шундай таъриф берилган: тинчлик маданияти — адолат ва демократияга, бардошлилик ва бирдамлик, зўрликни рад этувчи ва жанжаллар бошланмасданоқ олдини олиш, муаммоларни мулокот ва музокаралар йўли билан ҳал этувчи, ҳар бир кишининг ўз жамиятни ички ривожида барча ҳуқук ва имкониятларнинг тўлиқ ҳажмда амалга ошишини таъминлайдиган маданиятидир.

Тинчлик маданияти муаммоси ўз ичига давлатлараро, ҳалклараро, миллатлараро, шунингдек, давлат ичидаги турли гурухлар ўтасидаги,

ижтимоий келиб чиқиши, ёши, миллати, жинси, маданияти ва дини турлича бўлган инсонлар ўтасидаги муносабатларни қамраб олади. Тинчлик маданияти — доимий ҳаракатдаги, кенг қамровли ва кўп ўлчамли тушунчадир. Унинг замирида дунёга кенг назар билан қараш ётади. Бу зўрлик ва қуролли тўқнашувларнинг олдини олиш, тинчлик ўрнатиш, инсон ҳуқуқларига хурматни таъминлаш, демократияни чукурлаштириш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ тушунчадир.

Тинчлик маданиятини шакллантирища турли соҳалардаги ислоҳотларнинг ўрни бекиёсдир. Аммо бу чора-тадбирлар етарли эмас, бунинг учун тинчлик маданияти одамлар эътиқодида ва ишончидаги шаклланиб, етилиб бориши лозим. Бу узоқ давом этадиган кўп қиррали жараёнда ёшларни тинчликпарварлик руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Президентимизнинг шу йил 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий аҳборот воситалари ходимларига берган интервьюсида: «Кундалик ҳаётимиздан сабоқ, чиқариб, эртанги кунимизнинг, келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворини бугун яратиб, бу Ватан менини, уни ҳар қандай бало-қазолардан асраш, ҳимоялаш учун мен курашмасам, ким курашади, деган даъват билан яшаш барчамизнинг, аввалимбор, ёшларимизнинг — менинг фарзандларимнинг бурчига айланишини истардим», деб таъқидлаган эди.

Ёшларда тинчлик маданиятини шакллантиришнинг долзарблиги шундаки, agar уларда ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий маданиятига асосланган тинчлик маданияти шаклланмаган бўлса, ер юзида тинчликни сақлаш, зўравонликка қарши курашиш муаммоси ўз ечимини топа олмайди. Чунки инсонларда шаклланган ҳар қандай маданиятнинг негизида тинчлика етакловчи мақсад ётади. Аксинча, тинчлик-тотувлик бўлмаган жойда маданиятнинг ҳеч қандай кўриниши шаклланмайди ва ривож топмайди. Бунга мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаёт эвазига эришилган ва шиддат билан ривожланаётган ижтимоий-иктисодий соҳадаги ютуқ ва зафарларимиз яққол далил бўлса, аксинча, кўшни Афғонистон худудида миллат ва элатлар ўтасидаги зиддиятлар, турли қарамамаршиликлар эвазига юзага келган нотинчлик оқибатида мамлакат тараққиёти орқага қараб кетмоқда. Дарҳақиқат, тинчлик бор жойга байрамлар ва тўйлар ярашади, деганларидек, мамлакатимизнинг турли жойларида бунёдкорлик ишлари, танлов ва лойиҳалар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Албатта, тинч



ва осуда ҳаётга ўз-ўзидан эришилмайди, балки бунга тинчликни асраб-авайлашимиз эвазига эришилади.

Фикримизча, ёшларда тинчлик маданиятини шакллантириш учун қўйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

Ёшлар онгидаги тинчликни сақлаш фоясини қарор топтириш ҳамда тинчлик маданиятини шакллантириш вазифасини ҳал этишда таълим тарбия соҳаси етакчи ўрин тутмоги лозим. Бунга нафақат таълим тизими муассасалари, балки кенг жамоатчилик институтлари яъни оила, маҳалла, оммавий аҳборот воситалари, жамоат бирлашмалари, журналистлар, диний ва ҳарбий соҳа хизматчилари, ёшлар ва аёллар ташкилотлари биргалиқда, ҳамкорликда иш олиб боришлари зарур. Ушбу ҳамкорликка ҳалқаро ташкилотларни ҳам жалб қилиш мақсадга мувофиқидир.

Республикамизда фаолият кўрсатадиги миллий институтлар билан ҳамкорликни йўлга кўйиш, ўқув муассасаларида «Тинчлик маданияти ҳафтилигини» ташкил этиш ва унга таникли фан ва маданият арбобларини, сиёсатчи ҳамда журналистларни жалб этиш мақсадга мувофиқидир.

«Тинчлик маданияти ёшлар назарида» мавзуусида ижодий иншолар, викториналар ўтказиш ҳам ўз натижасини бериси шубҳасиз.

Ёшларда ҳуқуқий, сиёсий ва тинчлик маданиятини шакллантириш учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Чунки ёшлар маълум бир таълим муассасасида ўқишида, айниқса, тарих фанини ўрганишаётганда урушнинг кечириб бўлмас оқибатларини, тинчликининг ушалмас орзу бўлганликларини гувоҳи бўлишади, ёшларда бу борада маълум тушунча ва фикрлар пайдо бўлади. Бунда устозлардан фақатгина эътибор ва ёшларнинг Фикрларини, олган билимларини тўғри ва мақсадли йўналтириш талаб этилади, холос.

Ёшларни тинчлик маданияти ва зўравонликсиз яшаш руҳида тарбиялашда турли илғор техникавий коммуникация воситаларидан кенг фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тинчликни тарғиб этувчи фильmlар, видеоўйинлар, радио ва теледастурларни яратиш даркор. Зеро, аф-

суски, ҳозирги кунда айрим оммавий аҳборот воситалари орқали намойиш қилинаётган мантиқсиз, зўравонликка асосланган фильмлар, аҳборотлар кенг тарқалмоқда. Бу эса, ёшлар онгидаги зўравонлик ҳаётда бўлиши табиий холат деган тушунчани пайдо қилмоқда, уларда мақсадга зўравонликсиз етишиб бўлмайди, деган ишонч шаклланиб қолмоқда.

Ёшларда тинчлик маданиятини шакллантирища давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, таълим соҳаси хизматчилари, журналистлар, диний ва ҳарбий соҳа хизматчилари, ёшлар ва аёллар ташкилотлари биргалиқда, ҳамкорликда иш олиб боришлари зарур. Ушбу ҳамкорликка ҳалқаро ташкилотларни ҳам жалб қилиш мақсадга мувофиқидир.

«Тинчлик маданияти ёшлар назарида» мавзуусида ижодий иншолар, викториналар ўтказиш ҳам ўз натижасини бериси шубҳасиз.

Ёшларда ҳуқуқий, сиёсий ва тинчлик маданиятини шакллантириш учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Чунки ёшлар маълум бир таълим муассасасида ўқишида, айниқса, тарих фанини ўрганишаётганда урушнинг кечириб бўлмас оқибатларини, тинчликининг ушалмас орзу бўлганликларини гувоҳи бўлишади, ёшларда бу борада маълум тушунча ва фикрлар пайдо бўлади. Бунда устозлардан фақатгина эътибор ва ёшларнинг Фикрларини, олган билимларини тўғри ва мақсадли йўналтириш талаб этилади, холос.

Раъно ТУРДИБОЕВА,
Тошкент давлат аграр
университети қошидаги
Қибрай академик лицейи
директори, юридик
фанлар номзоди

Tinchlik uchun kurashmoq kerak

Abituriyentga ko'mak

**Тошкент шаҳридаги
Турин политехника
университети 2009
йилда юртимизда
автомобиль ва
машинасозлик
саноати, энергетика
ва инженерия
соҳаларида юқори
малакали мутахассис-
кадрлар тайёрлаш
мақсадида ташкил
этилган. Бу ерда
таълим Италиядаги
Турин политехника
университети ўқув
дастури асосида
жаҳон
стандартларига
мувофиқ равишда
олиб борилади.**

Университетда машина-созлик технологияси, саноат-фуқаролик қурилиши ва архитектура, аҳборот технологиялари ва саноатда автоматлаштирилган бошқарув тизимлари, энергетика факультетлари мавжуд. Талабаларга инглиз тилида таълим берилади.

2010 йилдан бўён Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети қошида академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Лицейга ҳар йили 450 нафар ўқувчи ўқишига қабул қилинади. Таълим аниқ фанлар йўналишида олиб борилади.

2013-2014 ўқув йили учун университетда бакалавриатнинг тўртта: машинасозлик технологияси, энергетика, саноат-фуқаролик қурилиши ва архитектура, аҳборот технологиялари ва саноатда автоматлаштирилган бошқарув тизимлари таълим йўналишлари бўйича қабул қилинади. Умумий қабул квотаси — 175 та.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетига ўқишига кириш учунabituriyentlar matematika, fizika va manтиқ fanlariidan ingliz tilida test topshiriшади.

Хужжат топширишдан аввал улар 1 апрелдан 15 июнгача университет сайтида он-лайн рўйхатдан ўтишлари шарт. Хужжатлар 1 майдан 29 июнгача қабул қилинади.

Эслатиб ўтиш керак, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетига ўқишига кираётганabituriyentlar dan ingliz tilini biliш даражасини aniklaшtiруvchi kamiда 4,5 ballik IELTS сертификатига эга бўлиш талаб қилинади.

Нурафшон уфқларга қадалган нигоҳ

Тансиқбай Тумишиев деган ҳамкасбимиз бўларди, раҳматли. У олий маълумотли қишлоқ хўжалиги ходими эди. Уни вилоят газетаси таҳририятига, қишлоқ хўжалиги бўлими мудирлигига ишга таклиф этишади.

Бир куни отаси сўрайди:

— Ўғлим, нима иш қиласпиз?

— Газетада ишляман.

— У қандай қасб?

— Э, яхшини яхши, деб, ёмонни ёмон, деб ёзиб юрамиз.

— Ҳа, яхши қасб.

«Яхши қасб». Бу — журналистликка оддий дехқоннинг берган баҳоси. Гелдимурод Сайдмаликов ана шу «яхши қасб»нинг усталаридан бири.

Мен уни ҳали ўсмирилик, ўкувчилик пайтларидан, таҳририят остонасида ўралшиб юрган чоғларидан биламан.

Раҳматли Восит Воҳидов кўп иллар Термиз тумани газетасида мухаррир, сўнг вилоят газетаси таҳририяти котибиятида ишлади. Гелдимуроднинг отаси билан ошна эди. У одамни ҷунуналисти деса бўларди. Мақолалар ташкил этар, турли жанрларда ёзиша укӯвли, сурат олар, газета саҳифаларига чиройли безак ва шакл берар, қисқаси, ушбу соҳанинг ҳадисини олган ҳунарманди эди. Гелдимуроднинг ўз фарзандидай кўтар, таҳририят бўлимларига олиб кириб таништирас, олиб келган мақолалари бўйича маслаҳат ва топшириклар беришларини сўради.

Сўнг уни ёнига олиб, турли рангли қаламлар билан макет чизишга ўтиради. Терилган матнларни линейкада ўлчаб, макетга жойлаштирас, шу тариқа газета саҳифаларининг схемаси ҳосил бўларди.

— Энди юр, босмахонага борамиз, газета шаклланишини кўрасан, — деда шогирдини эргаштиради.

Восит ақа ўз қасбининг фидоийиси эди, босмахонада ишчиларга кўшилиб ҳарф териб кетаверади.

Саҳифа тайёр бўлгач, қоғозга тушириб олиб, ўша макетдан қандай чиройли газета саҳифаси пайдо бўлганини шогирдига кўрсатар, мазмун ва шакл мутаносиблиги ҳакида мулоҳаза билдиради.

Гоҳида Гелдимурод яшаётган хўжаликда, у ўқиётган мактабда хизмат сафарида бўлар, шогирдини ёнига олиб, мақолага факт олиш, сурат тушириш сирларини ўргатишга ҳаракат қиласпиз.

Газетачиликда, мухаррир қандай савияда бўлса, газетаси ҳам шундай бўлади, деган гап юради. Бу айни топиб айтилган фикр. Г.Сайдмаликов «Сурхон тонгидами», «Термиз оқшоми»дами бош мухаррирлик қиласпиз экан, газеталар ёзига хос чирой очди, мазмундорлиги кучайди, таъсиричалиги ошди, мавзу жиҳатидан ранг-баранглиқ қасб этди.

Шундан бўён газетанинг бош мухаррири сифатида намунали фолияти юритиб келмоқда.

Газетачиликда, мухаррир қандай савияда бўлса, газетаси ҳам шундай бўлади, деган гап юради. Бу айни топиб айтилган фикр. Г.Сайдмаликов «Сурхон тонгидами», «Термиз оқшоми»дами бош мухаррирлик қиласпиз экан, газеталар ёзига хос чирой очди, мазмундорлиги кучайди, таъсиричалиги ошди, мавзу жиҳатидан ранг-баранглиқ қасб этди.

Бу гапларни эзмалик қилиб

айтишимдан мақсад — Гелдимурод Сайдмаликовнинг журналистлик қасбини танлаши ҳали олий ўкув юртига бормасданоқ қатъийлашгани, бу соҳада кўзи пишганлигин таъкидлашдир.

Ҳали журналистикани яхши қасб, деган эдик. Аммо шу билан бирга, ўта масъулиятли, ёзига хос иқтидор ва фаросатни талаб этадиган оғир қасб ҳам. Кечако кундуз ишлашни такозо этади. Г.Сайдмаликов бу серзак ва фидоийлик амал қилувчи меҳнатга меҳр кўйди, маҳорат сирларини ўрганишга тиришди ва 1970 йили бир кучоқ мақолалари жилдини кўлтиклиб, Тошкентга журналистика факультетига кириш учун борди. Кириш имтиҳонларидан муваффакиятли ўтиб, талабалик шараfiga мусасаб бўлди.

Талабалик йилларida ҳам марказий нашрлар билан бир қаторда, ёзига кувват ва қанот берган қадрдан даргоҳдан — Сурхондарё вилояти газетаси таҳририятidan алоқасини узмади, ўз мақолалари, фотосуратлари билан мунтазам равишда қатнашиб турди.

Университетни тугаттага эса, ҳеч иккilanmasdan, бу ерга ишга келди, жамоа уни кучоқ очиб қарши олди. Бу ерда мухбир, катта мухбир, бўлим мудири, масъул котиб, мухаррир ўринbosari ва ниҳоят, 1990 — 2000 йилларда газетанинг бош мухаррири бўлиб фаолият кўрсатди. 2001 йили Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси вилоят бўлими ҳамда Термиз шаҳар ҳокимлиги муассислигидаги «Термиз оқшоми» газетасини ташкил этди.

Шундан бўён газетанинг бош мухаррири сифатида намунали фолияти юритиб келмоқда.

Газетачиликда, мухаррир қандай савияда бўлса, газетаси ҳам шундай бўлади, деган гап юради. Бу айни топиб айтилган фикр. Г.Сайдмаликов «Сурхон тонгидами», «Термиз оқшоми»дами бош мухаррирлик қиласпиз экан, газеталар ёзига хос чирой очди, мазмундорлиги кучайди, таъсиричалиги ошди, мавзу жиҳатидан ранг-баранглиқ қасб этди.

Бу гапларни эзмалик қилиб

Масалан, «Термиз оқшоми» газетасининг бугунги кунда мавқеи баландлигини хурматли муштарийлар тўғри эътироф этиб туришибди. Уларнинг таъкидича, газетада турли ижтимоий-сиёсий воқеаларни ёритища тезкорлик ва ўзига хос услугуб бор. Биринчи саҳифаларда тез-тез учрайдиган «Ўзбекистон бўйлаб» рукни остида хилма-хил хабарларни ўқир экансиз, газета фақат ўз худудинигина эмас, балки бутун юрт воқеаларини жозибали ёритиш орқали ҳамюрларимизда мустақил Ватанимиздан фахрланиш, гурурланиш туйгусини ўғота олмокда. Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан илгари сурилаётган ислохотларни кенг жабҳада кўрсата билиш орқали буюк келажакка ишонч мустаҳкамланиб борилаётгани фоят олиjanоб ишдир.

Газетадаги юксак маҳорат билан ёзилаётган бадиий-публицистик мақолалар, кузатувлар, турли жанрдаги материаллар унинг ўз юзи, ўз қиёфасига эга бўлган нашрлардан эканлигини исботлаб турди. Қалам аҳли ҳамиша ноzioni таъкидиган, мавқул келадиган, ҳайратга соладиган, қизиқтирадиган материалларни тайёрлаш илинжида бўлади. Аммо бунга ҳамиша ҳам муваффақ бўлавермайди. Бундай пайтда мухаррир савияси, билими, ташкилотчилиги ёрдамга келади. Унинг маҳорати жамоанинг ижодий жўшқинлигини таъминлайди. Шу муносабат билан кўплаб қизиқарли хотиралар, бадиий ижод на-муналари эълон қилинди. «Жаҳон адабиёти дурдоналари», «Адабий мерос», «Ёшлилар ижоди» ва бошқа руқнлар остида эълон қилинаётган асарлар ўқувчиларнинг газетага бўлган қизиқишиларини ошироқда.

— «Термиз оқшоми» газетаси ташкил топган пайтларни яхши ёслайман, — деди журналист Маҳмуд Абулфайз. — Айтиш мумкинки, газета ўйқ жойдан бино бўлди. Дастлаб унинг эгали макони-жойи ҳам, компютер жиҳозлари ҳам, борингки, ходимлари ҳам ўйқ эди. Унинг фақат бош мухаррири бор эди, холос. Одатда, шаклланган ишни амалласа бўлади, бирор номи бор-у, ҳали ўзи ўйқ газетани оёққа қўйиш, жой-жизхозларини жойига қўйиш, ишлайдиган ходимларни топиш, ҳар қалай, осон эмас. Гелдимурод Сайдмаликов буни уддалади. Ҳали-ҳали ёдимда турибди: вилоят телерадиокомпанияси бикинида қаровсиз қолдирилган тўрт хонали бино бўларди. На ром, на эшиги бор эди. Бинонинг теварак-атрофи чиқиндиҳонага айлангани боис, манзара дилга хирадик соларди. Г.Сайдмаликов ишга кириши, худди ўз ҳовлисида ишлайдиган межнат қилди. Ишга шогирдларини чорлади. Ҳали «Термиз оқшоми»нинг бир кун келиб довруқли газета бўлишига ён-веридагиларни ишонтира олди. Унда ишонтира олиш санъати ҳам бор. Газета дастлаб беш юз нусхада чиқа бошлади. Суратлар, мақола-



ларнинг аксарияти ўзиники эди. Ёнида яна уч нафар журналист ёрдамлашдик. Мана, орадан ўн ийл вақт ўтди. Бугунги кунда «Термиз оқшоми»нинг адади беш мингда етди. Энди уни биргина Термизда ё Сурхондарёда эмас, қўшини вилоятларда ҳам севиб ўқишмокда.

Ўқувчи меҳри тушган газета кўлма-кул ўқилади. Уни излаб юришади. Яқинда узоқ Белгород шахридан мухаррир Г.Сайдмаликов номига хат келди. Мактуб муаллифи осетин йигит Эдуард Цузаев бўлиб, у Термизда туғилиб ўтсан, Термиз давлат университетида таълим олган шоирлардан эди. У интернет орқали «Термиз оқшоми»ни сонма-сон ўқиб бораёттанини кувонч билан муносабат билдириган ҳамда ўз асарлари, таржималаридан намуналар ошироқда.

Ўзбек публицистикаси анъана-налигидаги садоқат саклаган Г.Сайдмаликов тинимизиз изланниб, ижод қиласпиз. Публицистиканинг барча жанрларида маҳирона қалам тебратади, бадиий ижод ва таржима билан ҳам шугулланади.

Унда ижодкорлик шашти ҳамон баланд. Суҳбатларимизда янги китоблар тайёрлаётгани, Сурхондарёда журналистика тарихидан китоб яратиш устида изланётгани, Сурхондарёда археологик изланишлар бўйича ўзбек, рус, инглиз тилида чоп этиладиган газета ёки журнал чоп этилишини орзу килишини ва бошқа ижодий режаларини мароқ билан ҳикоя қиласпиз.

«Туяни мин-да, узокни кўзла» деган хикмат бор ҳалқимизда. Г.Сайдмаликов ҳам узоқ-узокларга, келажакнинг нурафшон уфқларига назар ташлаб яшаети.

**Болта ЙРИЕВ,
матбуот фахрийси**

Тафаккур ўйғоқ бўлса

Юртимиз тинчлиги, осойиштарилиги — ҳалқимизнинг бебаҳо бойлиги, улуғ саодатидир. Буни ҳар бир онгли юртдошимиз яхши билади, дилдан ҳис этади. Зоро, биз қўлга киритаётган оламшумул ютуқлар замирида тинчликнинг ўрни бекиёсdir.

Дунёнинг манзараси кун сайнин мураккаблашиб, одамлар онгини эгаллашнинг усул ва турлари кўпайиб бормоқда. Бунда ахборот-коммуникация воситалари орқали тарқатилаётган ахборотлар салмоқли ўрин тутади. Турли фоялар йўлидан

бориб, мўмай даромад топиш, инсонлар тафаккурини эгаллаш орқали хукмронлик қилишини мақсад килган ёвуз кучлар интернет сайтларида зўр берип, тарғибот юритиши мөқода. Қолаверса, зўравонлик, беҳаёлиқ, пала-партиш ҳаётни тарғиб

этувчи, оилани, қарин дош-уруглик муносабатларини ортиқча даҳмаза деб ўқтирувчи фильмлар ёшлар тафаккурига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ёшларни гиёхвандликка ўргатиш, улар онгига турли экстремистика қарашларни сингдириш ва шу орқали келажакда уларни «Ватан», «миллат», «оила», «виждан» тушунчалиридан маҳрум этиш ҳам ёвуз ниятили кишиларнинг таҳдид усулларидандир.

Мана шундай хатарлар жиддий хавф солиб турган-

да, ёшларимизни турли фоялардан, гиёхвандлик каби иллатлардан асраш, улар онгига ватанпарварлик, маърифатпарварлик, инсонпарварлик фояларини сингдириш, дунёда юз бераётган ҳодисалардан уларни оғоҳ этиш барчамиз учун ниҳоятда мухимдир.

Бугунги кунда жамиятнинг тинч ҳаётни, халқнинг маънавиятига таъсир қилувчи ёт фояларнинг зарарли оқибатларини ёшларга тўғри тушунтириш, уларни бундай фоялар таъсиридан асраш

таълим тизимининг ҳам асосий вазифаларидан-дир. Шу мақсадда барча олий таълим муносасаларида, хусусан, Самарқанд давлат чет тиллар институтида талабалар орасида турли тадбирлар, давра сұхбатлари ўтказиб келинмоқда.

Институтда маънавият ва ахборот сатларида тарбия-тадбирларни таъсир ишлайдиган газета «Термиз оқшоми», «Миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенглик», «Гиёхвандлик, ичқилик-бозлик, ОИТСга қарши кураш — ҳар бир кишининг бурчиги», «Диний экстремизм ва фундаментализм хавфи», «Глобаллашув ва ахборот-психологик хавфсизлик», «Гиёх-

вандлик ва кашандалик — аср вабоси» каби долзарб мавзуларда давра сұхбатлари ўтказиляпти.

Бугун камолга етадиган ёшлар Ватанимизнинг эртанги кунини ҳал қилувчи кучга айланади. Демак, уларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг онгини, тафаккурини иллатлардан муҳофаза қилиш барчамизнинг зиммамизига катта масъулият юклайди.

**Моҳигул БОБОЕВА,
Самарқанд давлат чет тиллар институти
ўқитувчиси**

 Ogohlik

Санъат сарчашмалари

Ўзбекистон Миллий университетининг халқаро маданий алоқалар ва санъатшунослик йўналиши талабаси Гулирањо Орифжонованинг «Нафис санъат сирлари» номли рисоласи бир неча асрлардан бўён яшаб келаётган, халқимиз маънавий бойлигига айланниб ултурган ўлмас анъаналар ҳақида.

Китобда қадим замонлардан бери ривожланиб, сайқал топиб келаётган санъат турлари бўймиш кандакорлик, китобат, заргарлик, мусиқа санъати, халқ оғзаки ижодидан ёр-ёр жанри ва болалар

фольклори санъатшунослик нуқтаи назаридан ўрганилиб, тадқиқ қилинган. Муаллиф ҳар бир санъат турига мурожаат қилас экан, унинг юзага келиш сабаблари ва тарихи ҳақида, босиб ўтган йўли ва

хозирги жамиятимизда тутган ўрни тўғрисида батафсил маълумот беради.



Umuminsoniy qadriyat

Наманганди вилояти Янгиқўрон туманидаги Навкент ижтимоий иқтисодиёт ва педагогика коллежида намойиш этилган «Тинчлик учун курашмоқ керак» номли видеофильм огоҳликка, ҳушерликка даъват мисоли янгради.

Бебаҳо бойликни асройлик!

Тадбир йигилганларнинг руҳиятида яна бир марта халқимизнинг баҳт-саодати мамлакатимида хукм сурәётган тинчлик, барқарорлик ва миллатлараро тотувликдан эканига ишонч ўйғотди, шунингдек, бебаҳо бойлигимиз — тинчлигимизни асраш, фарзандларимизнинг камолотини, нурли келаҗagini таъминлаш ўйлида фидокорона меҳнат қилишга, эзгу мақсадлар йўлида янада жипсласишишга чорлади.

Тадбирда Тошкент ислом университети ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди, доцент, диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш бўйича ЮНЕСКО кадрларини мудири Дурбек Раҳимжонов иштирок этди. Исломшунос олим мавзу юзасидан маъруза қўиди ҳамда йигилганларнинг саволларига жавоб берди.

**Дилбар АСҚАРОВА,
«Turkiston» мухбари**

Интернетда битирувчилар ҳақида

Жорий йилда республикамиз мактабларининг 9-синфини 533 658 нафар ўқувчи тамомлади. Улардан 89,7 фоизи касб-хунар коллажлари, 10,2 фоизи академик лицейларда ўқиш истагини билдирган.

Бу битирувчилар айнан қайси таълим муассасаларини танлаганига қизиқпази? Унда интернетга кириб кўринг. Яқинда Халқ таълими вазирлиги томонидан миллий тармоқда янги дастур ишга туширилди. Мазкур веб-ресурс ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва педагогик-психологик республика ташхис маркази мутахассислари билан ҳамкорликда яратилиб, www.tashxis.uz сайдига жойлаштирилган.

Дастур она-оналар, мактаблар маъмуряти ҳамда кенг жамоатчилик учун мўлжалланган алоҳида бўйимларга эга. Айтайлик, ота-оналар ва битирувчиларнинг ўзлари у орқали юртимиздаги ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларидан мавжуд таълим йўналишлари билан виртуал тарзда танишишлари мумкин. Бундан ташқари, фойдала-

нувшилар эътиборига бу йил қайси мактабни неча ўқувчи тамомлага ни, битирувчилар қайси таълим муассасаларида ўқиши истагини билдиргани ҳақидаги маълумотлар ҳавола этилган.

Мутахассисларнинг айтишича, янги дастур бугунги кунда битирувчилар орасида қайси соҳа ва ўнапишларга қизиқиши ортиб бораётганини қайсиларига талаб пасаяётганини аниқлаш ҳамда бундай ўзгаришларни таҳлил қилиш механизмини осонлаштиради. Шунингдек, интернет технологиялари 9-синфин тугатадиган ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш жараёнларини мониторинг қилишда вақт ва ресурсларни тежашга ёрдам беради.

Наргиза БАХОДИРОВА

Ватана суяниин, ўслим!



Ётар бунда қанча буюк зот,
Элим деган, бағри куйик зот.
Юртни сотма, эла бўйма ёт,
Сен Ватанга суяниин, ўслим!

Бир ўмрови ўрмон, бири боғ,
Кўкси буғдоӣ, гарданда тоғ.
Йнэрар, ҳатто узилса яроқ,
Сен Ватанга суяниин, ўслим!

Бир ушоқни топса чумоли,
Инга ташир, етганча ҳоли,
Чумолича бўлмадинг ҳали,
Сен Ватанга суяниин, ўслим!

Юртнинг кўрки — сенга салобат,
Элинг тинчи — жонингга роҳат,
Бир сўзимни унумта факат,
Сен Ватанга суяниин, ўслим!

Энди сени авайлашим керак, юрагим,
Хузурингга зиёратга бораман ҳар кун.
Сенга атаб гул ўстирап кўзда гавҳарим,
Китригимни айвонингга қиласман устун.

Энди сени, сен дейшига бормайди тилим,
Кумрим, сени ўзимдан ҳам кўпроқ сужман.
Ҳол сўрайди тонгда кўнгил, оқшомда дилим,
Бедорлигинг билсан сендан кўпроқ куяман.

Кўкни шафақ тўлғогидан тутса ҳам безгак,
Асло сенга ўйлатмайман қайғу, мотамни.
Не бўлса ҳам, сен қубламда қолишинг керак,
Юраккинам, ахир, сенга кўмдим отамни.

ЮЛДУЗЛАР

Кўёш ботди, фалак қирмизи,
Кўринади митти юлдузлар.

Бу ҳикматни дигла тугиб ол:
«Элим деган кўрмагай завол!»
Шу тупроқда топгайсан камол,
Сен Ватанга суяниин, ўслим!

Елка тутсанг, қуламас тоғ у,
Низол эксанг, қуримас боғ у.
Кундир, ойдир сочгуви ёѓу,
Сен Ватанга суяниин, ўслим!

Кўк терак бўл, тўзонга қалқон,
Ёв ўйлатмас, норғул паҳлавон.
Керак бўлса, берайин, деб жон,
Сен Ватанга суяниин, ўслим!

Сен кетмасанг, у тарқ эттайди,
Шарбат тилаб, оғу туттайди,
Сиринг олиб, сиринг соттайди,
Сен Ватанга суяниин, ўслим!

Кон қазигин, оташда ёниб,
Гил ичидан олтинни таниб,
Чўққиларга чиксанг қўйнаб,
Сен Ватанга суяниин, ўслим!

Munosabat

Ёш авлодни миллий қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялаш, уларда қадриятларимизни асраб-авайлашга бўлган иштиёқни кучайтириш, гўзаллик туйгуларини яратиш жараёнда санъатнинг ўрни бекиёсdir.

Китобча нафис санъат турларининг барча сир-асорлари билан қизиқсан китобхонлар, нозик дид эгаларининг бу йўлдаги билимларини оширишга хизмат қилишига ишонамиз.

Инобат МАТЕҚУБОВА



ЖОСУС МУШУК

Британия молия вазири Жорж Осборнинг мушуги жосуслиқда гумон қилинмоқда. Фрейя лақабли мушукка ҳавфисизлик ходимлари қизиқишининг биринчи сабаби унинг сирли равишда ўйқолиб қолгани бўлди.

Осборнлар оиласи 2009 йилда боқиб олган мушук бир неча ойдан сўнг йўқолиб қолган, лекин 2011 йилда топилган. Ушанда мушукни чип орқали идентификация қилишди ва вазир қароргоҳига — Осборнларга қайтариб беришган.

Хавфисизлик ходимлари фикрича, Фрейя йўқолган вақт давомида мушукка хитойлик жосуслар махфий ускуна ўрнатган, сўнгра қайтариб беришган. Фрейя ҳаётидаги иккичи тушунарсиз ҳолат сифатида унинг хулиқи кўрсатилган. Фрейя бош вазир Дэвид Кэмероннинг мушуги — Ларри сингари бекорчилик билан «машғул бўлиш» ўрнига, кириш мумкин бўлмаган жойларда сайд қиласди, ҳарбий машгулотларда бўлади, турли ҳукумат биноларига «ташриф бўюради» ва, ҳатто барларда ҳам бўлиб туради. Аслида, Фрейяни Ларрига ёрдамчи сифатида, яъни каламуш ва сичконларни овлаш учун «ишга олишганди». Чунки бош вазирнинг мушуги дангаса, ўз вазифаларига совуқон бўлиб қолганди.

Заараркунанда ўғрилар

Хитойлик момонинг бир неча йиллар давомида йигиб юрган пулларини термитлар еб тутатди.

Нафақаҳўр аёлнинг сўзларига қараганда, бу пулларни унга фарзандлари жўнатишган. Момо пулларни цеплофан пакетга солиб, кутига яшириб кўйган эди. Жамғарма ача муддат очиб кўрилмаган. Бироқ бир куни момо уйда ишлаган устанинг ҳақини бериш учун жамғармасини очиб, пакетда имла-тешик бўлиб кетган пулларни кўргач, бир муддат ўзига кела олмади. Пакетдаги пуллардан, яъни 400 минг юандан 60 минг юани умуман йўқ бўлиб кетган бўлса, қолган пуллар яроқсиз пулларнинг маълум қисмини бошка банкнотларга алмаштириб берди. Айнан қанча купюрани алмаштирганинг биринчидан сир тутилоқда.

Наҳотки, Месси?!

Аргентина терма жамоаси ва «Барселона» клуби ҳужумчиси Лионел Месси жами беш милион доллар солиқ тўлашдан бош тортганлиқда айбланди.

Маълумотларга қараганда, Лионел Месси ва унинг отаси — Хорхе Орасио Месси 2007 — 2009 йиллар ораглигида солиқларни тўламай келган. Айни дамга қадар қонунбузарлик бўйича арз қуий судга бериб бўлинган. Жиноий иш Мессининг расмий яшаш жойи Гава шаҳри суди томонидан кўриб чиқилади. Месси ва отаси бу хабарни уйдирма дея баҳолади ва Facebook тармоғида зўр бериб ўзларини «оқлашди».

**Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

Наманганнинг олмаси...

Ота-боболаримиз азал-азалдан ватанни боққа қиёслаганлар. Бу боғнинг яшнаши, бўстонга, обод масканга айланishi учун жон кўйдиргандар. Зоро, одам боласи инсон деган шарафли номга муносаб бўлмоғи, ана шу боғни гуллатмоғи, безамоғи учун умр бўйи тиним билмай изланади, эзгу ишларга ўзини чоғлади.

Ана шу тоифадаги одамлар ҳақида гап кетганида, энг аввало, кўз олдимиизга она заминнинг энг яқин сирдош ва дилдоши бўлган заҳматли касб эгалари — дехқонлару боғбонлар келади.

Наманган вилояти Янгиқўргон туманининг Нанай, Оқтот, Кўкёр, Заркент ва Поромон худудлари боғ-роғларга бой, сўлим, тоғли масканлардан. Ёдингизда бўлса, ҳамон машҳурлигича қолган, эл қалбидан жой олган «Наманганнинг олмаси...» деб бошланувчи қўшиқ айнан шу замин заҳматкашларининг қадоқ кўллари, қалб қўри, пешона терлари эвазига етиштирилган мевалар шаънига битилган, десак, муболага эмас.

Янгиқўргонда ҳаёт синовларида тобланган, катта режаларни амалга оширишга, элнинг турмушини янада обод қилишга бор кучини

сарфлайдиган мохир боғбонлар жуда кўп. Бугун уларнинг сафиға гўзал анъананинг давомчилари — ёш, файратли, агарар соҳанинг замонавий, илғор билимлари билан «қуролланган» йигит-қизлар ҳам кўшилмоқдалар.


Шаҳзод Ҳакимов — мураббийлар оиласида вояга етган, кенжа фарзанд. Эндиғина ўттизга етган йигит кетмонни танлаб адашмаган. Ўзи раҳбарлик қилаётган «Кўкёр тонг юлдузи» фермер хўжалиги тасарруфида яқинда ўн гектар янги боғ ташкил қилди, олманинг «бойка», «кримсон», «голден», «семеренко» навларини экди.

— Президентимиз Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида дехқон меҳнатининг қадри ҳақида айтган сўзлари, юртимизда якни боғбонларни беради.

токзорларни барпо этиш зарурлигини куйиниб таъкидлаганлари мени рухлантириди, ўзимга бўлган ишончни янада орттириди. Мен бунёд этган боғ уч йилда мевасини беради, қишида, юртдошларимизнинг мевага бўлган эҳтиёжи айни ортган паллада бозорларимизга арzon, сархил маҳсулот етказиб беришини дилимга жойлаганман, — дейди ёш боғбон.

Дарвоқе, ёш боғбон айни қиши чилласида сархил мева ҳақида сўз қотди. Янгиқўргоннинг олмаси ҳақида гап кетгандан унинг қишида ёки айтайлик, май ва июнь ойларида ҳам тиник, мазали ва сувли ҳолда сақланишида не синоат бор?

— Омборда кўлбола ҳандак қазиб, сув билан тўлдирилса ва ўртача ҳароратда авайлаб сақлансан, мева йилнинг май, июнь ойларида ҳам мазасини йўқотмай тураверади, — дейди боғбон. — Дараҳтларга ўз вақтида агротехник ишлов бермаган, сийламаган, мева заараркунандаларига қарши курашмаган боғбон ютқазади. Боғ бокқанга болини беради.



Баҳорнинг охири, ёзнинг бошларида бозорга чиқариладиган эртапишар олмалар расталарда қанчалик чиройли терилиб турмасин, харидор баривор юртимизнинг, Наманганнинг ўша, қиши бўйи мөхр ва эътибор билан сақ-

ланган олмаси томон юзини бураверади. Негаки, уларда дармондорилик хусусияти сақланиб қолган. Ҳақиқий қуёш нурида пишган-да!

**Дилбар АСҚАРОВА,
«Turkiston» мухбири**



1 savolga 1 javob

Юртимиздаги олий таълим муассасаларининг барча таълим йўналишлари кириш тестлари блокига хорижий тилларнинг киритилиши ҳақида эшитиб қолдим. Шу ростми?
Шоҳруҳ, Пахтаки тумани

Саволга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўкув юртлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Барно Ражабов жавоб беради:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, мамлакатимиз таълим тизимининг барча босқичларида хорижий тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил этиш, ўқитувчилар малакасини ошириш, ўкув-слубий материаллар билан таъминлашни янада такомиллаштириш масалалари кўзда тутилган.

Қарорнинг 5-пунктида Давлат тест маркази манфаатдор вазирлар ва идоралар билан биргалиқда, барча олий таълим муассасаларига кириш тестлари блокига хорижий тилларни киритиш бўйича таклифлар бериш вазифаси кўйилган эди. Ана шу қарор ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилдан ҳам техника йўналишидаги ўкув юртларининг кириш тестлари блокига чет тили киритилмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университетида жорий ўкув йилида кириш тестлари блокига чет тили киритилди.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА тайёрлади

YON DAFTARCHANGIZGA

Баракали қўлнинг сўйган чумчуғи ҳам қўй бўлади.

Ўзбек ҳалқ мақоли

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигига 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 ракам
билин рўйхатдан
ўтган.



ISSN 2010-6998

Бош мұхаррір:

Ашурев Салим Тўраевич

Таҳрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Мехриздин Шукуров (бош мұхаррір ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош мұхаррір ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи мұхаррір:

Юсупов

Рустам

Қўчкоровиҷ

Саҳифаловчи:

Рўзиев

Зафар

Хусанович

Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Манзилимиз: 100083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида, А-3 форматда
чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ,
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Буюртма Г-643.
Адади — 13490

Босишига топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 01.30
ЎЗА якуни — 01.10

Оффсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6